

# LINGUISTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS

Jumaev Begali Khudoymurodovich

Termiz State University

**Abstract.** This article describes the essence of the phenomena of lexicalization and phraseology, which are the internal factors that ensure the lexical richness of the language.

**Keywords:** lexicalization, phraseology, word formation, phraseological formation, phonetic, syntactic-lexical, affixation, composition, abbreviation

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

Жумаев Бегали Худоймуродович

Термиз давлат университети

**Abstrakt.** Ushbu maqolada tilning leksik boyligini ta'minlovchi ichki omillar bo'lgan leksiklashuv va frazeologiya hodisalarining mohiyati yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** leksiklashuv, frazeologiya, so'z yasalishi, frazeologik shakllanish, fonetik, sintaktik-leksik, affiksatsiya, kompozitsiya, qisqartma.

Тилшуносликда тил системаларини шакллантирувчи тил бирликларини, уларнинг моҳиятини ҳамда улар асосида тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ тил ҳодисаларини, уларнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратила бошланди. Тилнинг ҳар бир сатҳи системаси тадқиқи шу системани шакллантирувчи тил бирлигини белгилашдан бошланади. Шу маънода ясама сўз, ясама бирлик, ясама сўзнинг таркиби, сўз ясалиш асоси, фразеологик шаклланиш каби тушунчалар ўзаро муносабатда ўрганилиши ва тадқиқ этилиши талаб этилади.

Лингвистик манбаларда лексикализация - тил элементларининг ёки элемент бирикмаларининг алоҳида сўзга ёки унга муқобил бўлган бошқа луғавий бирликка айланиши, сўз бирикмаларининг тилнинг алоҳида сўз муқобили сифатида амал қиладиган турғун элементларига айланиш жараёни, эркин сўз бирикмасининг бир тушунча ифодалайдиган, бир гап бўлаги вазифасини бажарадиган сўзга айланиши, синтактик бирлик (сўз бирикмаси

ёки гап)нинг лексик бирликка (луғавий бирликка), яъни сўз ёки турғун иборага айланиши каби изоҳланади.

Жаҳон тилшунослигида сўз ясалиши, фразеологик шаклланиш, уларнинг диахрон ва синхрон аспектдаги тараққиёти, сўз ясалиш жараёнида лексикализация, фразеологик шаклланиш жараёнида фразеологизация ходисаларининг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш, уларни янгича замонавий йўналишлар асосида баён этиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Дарҳақиқат сўз ясалиши тизими, фразеологик шаклланиш тилларнинг мунтазам бойиб боришига хизмат қилади, у ёки бу тилнинг тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Жаҳон тилшунослигида сўз ясалиш йўллари ва усуллари атрофлича талқин ва тавсиф этилган. Ҳар қандай тилининг бойиб боришидаги омиллардан бири тилнинг сўз ясалиш тизимидир. Ҳар қандай тилнинг бойиб боришида, ифода имкониятларининг кенгайиб боришидаги самарали омиллардан бири тил луғавий бирликлари маъноларидаги семантик-услубий силжишлар ҳисобланади. Тилшунослигимизда сўз ясалиши масалалари А.Фуломов, Азим Ҳожиёв<sup>1</sup>, М.Миртожиёв, А.Нурмонов ва Н.Маҳмудов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган[2]. Таъкидланган тадқиқотларда сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида эътироф этилади. Сўз ясалиши ўрганилган лингвистик адабиётларда сўз яшанинг иккитадан еттитагача бўлган тури кўрсатилади[3]. Шу билан бирга, ҳозирги ўзбек тилида аффиксация ва композиция усуллари сўз яшанинг кенг қўлланадиган энг унумли ва етакчи турлари сифатида эътироф этилади[4]. Рус тилшуноси Л.Шчерба сўз ясалишининг морфологик, фонетик ва синтактик кўринишлари мавжудлигини таъкидлаган эди[5].

Дарҳақиқат, ҳар қандай тилнинг ривожланиши ва бойиш даражасини белгилайдиган асосий омиллар тилдаги бирликлар ва уларнинг маъно ифодалаш имкониятлари ҳисобланади. Сўзларнинг ясалиши, фразеологик бирликларнинг шаклланиши, уларнинг маъно тараққиёти, маъновий

Ўзгаришларни ўрганиш ҳам муҳимдир. Тил луғат фондининг бойишидаги омиллардан бири сўз ва сўз бирикмасининг маъносидаги семантик-услубий силжишдир. Тил бирликларининг маъно тараққиётида ўзгаришлар юз бериб, янги-янги тушунчаларни ифода этади ва бу янги маъновий ўзгаришлар аста-секинлик билан тилда барқарорлашиб, нутқ жараёнида фаол қўлланила бошлайди.

Лексикализация ва фразеологизация ҳодисаларининг тилда мавжудлиги тилнинг ички имкониятлар асосида бойиш қонуниятининг таркибий қисми сифатида қаралади. Шунинг учун тил бирликларини, уларни юзага чиқарувчи ҳодисаларни, жумладан лексикализация ва фразеологизация ҳодисаларига инсоннинг яратувчилик фаолияти доирасида қараш зарур. Шу маънода сўз ясаиш жараёнида фаол иштирок этадиган лексикализация ва фразеологизация ҳодисаларининг моҳиятини ўрганиш ҳам долзарб вазифалар доирасида қаралади. Лингвистик адабиётларда сўз ясаишининг семантик (ёки лексиксемантик), 2) фонетик, 3) синтактик-лексик, 4) аффиксация, 5) композиция, 6) аббревиация усуллари мавжудлиги қайд этилсада, аффиксация ва композицион усуллар асосий усуллар эканлигини эътироф этилади. Сўз яшаш усулларининг қандай тасниф этилишидан қатъий назар, ҳақиқатдан ҳам тилнинг тарихий тараққиёти давомида ягона лексемага айланиш, синтактик бирликдан лексик бирликка ўтиш ҳодисаси мавжудлиги асосланади. Сўз ясаишининг лексикализация тури моҳиятида муайян эркин бирикманинг (синтактик), юзага келган қўшма сўзни (лексик) ифодалаш ва намоён бўлишидир.

Тилимиздаги сўз боши, эллик боши, юз боши, минг боши каби қўшма сўзлар асосида эркин бирикмаларининг грамматик алоқани йўқотиб, қўшма сўзга айланиш жараёнидир. Эркин бирикманинг қўшма сўзга айланиши, сўз семантикасининг ўзгариши (семантик ўзгариш натижасида янги сўз ҳосил бўлиши) деб баҳолаш керак бўлади. Сўз бирикмаси тил тараққиёти процессида сўзга айланганда, бирикма компонентлари бир маъно марказига бирлашади, бу компонентлар сўзлик хусусиятини йўқотади, шу сабабли улар ўртасидаги

синтактик алоқа ҳам йўқолади. Натижада сўз бирикмасини ҳосил қилган сўзлар ўзак-негиз ҳолига ўтади, сўз бирикмаси кўшма сўзга айланади. ошпичоқ (ош пичоғи), даламудир (дала мудири), мингбоши, чаласавод (чала саводли), қимматбаҳо (қиммат баҳоли) кўшма сўзлари худди шундай сўз билан ясалган. Бу ясалиш процессида синтактик (сўз бирикмаси) ва лексик (сўз айланиш) ҳодиса иштирок этганлигини ҳисобга олиб, сўз ясалишининг синтактик-лексик усули деб аташ мумкин. чаласавод – соф дил, бошьяланг – оёқ яланг, қушбўйин – дутор бўйин тоғолча, токилон, мош ранг, содда дил, бошоғрик, белбоғ, ишбоши, қўлқоп, кўзойнак каби сўз бирикмалари ҳеч қандай сўз ясовчи қўшимча олмаган ҳолда сўз бирикмасининг компонентлари бир маъно марказига бирлашади, бирикма таркибидаги сўзлар сўзлик ҳолатини йўқотади, сўз бирикмаси грамматик ва фонетик жиҳатдан ҳам бир бутун ҳолга келади ҳамда унинг структурасида *атир+гул, беда+ноя, ватан+гадо, гул+даста, дов+юрак, ер+ёнгоқ, кана+кунжут, 9 катта+қўрғон, келин+бармоқ, қизил+иштон, шоли+ноя, қирқ+бўғин, гул+тожи+хўроз* каби икки ёки ундан ортиқ сўз ётади. Фразеологик бирликлар ва лексикализация ҳодисасининг ўзаро муносабати масалаларини тадқиқ этиш, уларнинг тил бирлигими ёки нутқ бирлигими каби масалаларга аниқлик киритиш имкониятини яратади.

Фразеологизмлар тузилишига кўра сўз бирикмаси ёки гапга тенг, семантик жиҳатдан яхлит, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр олиб кириладиган, образли, кўчма маънога эга бўлган луғавий бирликдир. Таъкидлаш лозимки фразеологик бирликлар ҳамма вақт семантик ҳодиса деб талқин этилади.

Буни Ш.Балли, В.Виноградовлар ҳам эътироф этганлар. Ш.Раҳматуллаев “фразеологик бирликлар ифода плани билан мазмун планининг ўзига хос қарама қаршилиги ва бирлиги асосида юзага келади, шунга кўра фразеологик бирликлар алоҳида ёндашишни, ўрганишни талаб этади” деб таъкидлайди. Фразеологик бирликлар қандай қолипли бирикма ёки предикатив қўшилма бўлишига қарамай нутқ жараёнида юзага келмайди,

балки тилда тайёр луғавий бирлик сифатида мавжуд бўлади. Ана шу нуктада фразеологик бирликлар лексикализация ҳодисаси билан тўқнашиб, фразеологик бирликларнинг лексикализация ҳодисаси билан ўзаро муносабатини аниқлаштиришни тақозо этади. Фразеологик бирликлар тилда турғунлашиб, муайян маънони ифодалайдиган, тил эгаларининг умуммулкига айлангунга қадар ўзаро бирикиш, синтактик муносабат жараёнини ўтаган бўлади. Улар эркин бирикма сифатида мавжуд бўлиб, кейинчалик фразеологизмлаштирилади, маъноси таркибидаги лексемалар асосида изоҳланадиган ва изоҳланмайдиган маънолар шаклланади. Бу жараёнда фразеологик бирликлар индивидуал-муаллиф фразеологизмлари сифатида нутқда яшайди.

Ш.Раҳматуллаев фразеологизмлар биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради деб таъкидлайди. Муайян образ асосида юзага келган маънони фразеологик маъно деб атайди. Шу тариқа фразеологик бирлик таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқиб изоҳланадиган ва изоҳланмайдиган бирликлар эканлиги маълум бўлди. Улар муайян семантик, лексик, лексик-семантик, семантик-синтактик трансформацияланади. Бу жиҳатдан у лексикализация (лексемалашув) ҳодисаси билан кесишади. Бўйнига қўймоқ, ерга урмоқ, йўл бермоқ, оғиз очмаслик, тўнини тескари киймоқ, қўлини ювиб, қўлтиғига урмоқ, калаванинг учини йўқотмоқ, калаванинг учини топмоқ каби фразеологик бирликлар маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланиб, улар эркин боғланма тарзда ҳам идрок этилади.

Аммо бошини олиб чиқиб кетмоқ, оёғини қўлига олиб, ўпкасини қўлтиқламоқ каби бирикмаларнинг асоси эркин боғланмалар эмас, улар эркин боғланма тарзда идрок этилмайди, инсон фаолиятида бошини олиб чиқиб кетиш, оёғини қўлига олиш, ўпкасини қўлтиқлаш каби ҳаракатларни бажариш амалда мумкин эмас. Бу ўринда сўз бирикмасини унга хос бўлмаган тарзда ишлатиш, семантик трансформация қилиш асосида фразеологик бирликка хос маъно шаклланади. Фразеологик бирликларни фразеологик бутунлик ва

фразеологик чатишма каби таснифлаш: “тўнини тескари киймоқ”, “ёстиғини қуритмоқ”, икки оёғини бир этикка тикмоқ” фразеологик бутунликлар; ўпкасини қўлтикламоқ, юрагини ховучламоқ, юраги орқасига тортиб кетмоқ кабилар фразеологик чатишмалар сифатида талқин этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Умуман олганда, фразеологик birlikларнинг юзага келиши нутқий жараён ҳисобланиб, уни фразеологизация (иборалашув) деб аташ ҳамда бу жараённинг лексикализация ходисаси билан муштарак томонлари мавжуд.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиши. – Тошкент, 1989 – 111 б.
2. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.
3. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: ЎзМУ, 2000. с
4. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тили сўз ясаишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1987. -№3. – Б.36-38.
5. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение, 1964. – 87 б.
6. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси (ўқув қўлланма). Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019. – 187 б.